

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.17.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАФИҚОВ БЕХБУДЖОН РУСТАМОВИЧ

ЎТ ТОШ КАСАЛЛИГИ ХОЛЕДОХОЛИТИАЗ БИЛАН
АСОРАТЛАНГАН БЕМОРЛАРДА КОМБИНАЦИЯЛАНГАН
ЖАРРОҲЛИК ДАВОЛАШ УСУЛИГА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЁНДАШУВ

14.00.27 – Хирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарканд-2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Рафиқов Бехбуджон Рустамович

Ўт тош касаллиги холедохолитиаз билан асоратланган беморларда
комбинацияланган жарроҳлик даволаш усулига дифференциал
ёндашув 3

Рафиқов Бехбуджон Рустамович

Дифференцированный подход к комбинированному хирургическому
лечению больных желчнокаменной болезнью, осложненной
холедохолитиазом 23

Rafikov Bekhbujon Rustamovich

Optimization of tactical and technical aspects
of hernioalloplasty in surgical treatment
of strangulated hernias 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of pulished works 48

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.17.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАФИҚОВ БЕХБУДЖОН РУСТАМОВИЧ

ЎТ ТОШ КАСАЛЛИГИ ХОЛЕДОХОЛИТИАЗ БИЛАН
АСОРАТЛАНГАН БЕМОРЛАРДА КОМБИНАЦИЯЛАНГАН
ЖАРРОҲЛИК ДАВОЛАШ УСУЛИГА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЁНДАШУВ

14.00.27 – Хирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарканд-2026

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.2.PhD/Tib4704 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Россия Федерацияси фавкулудда вазиятлар вазирлигининг А.М.Никифоров номидаги Бутунроссия шошинч ва радиацион тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертациянинг уч тилдаги (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) автореферати Илмий Кенгаш веб саҳифаси (www.sammu.uz) ва «Ziyonet» (www.ziyonet.uz) ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Дворянкин Дмитрий Владимирович**
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар: **Мамараджабов Собиржон Эргашевич**
тиббиёт фанлари доктори, доцент.

Аванесян Рубен Гарриевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент (Россия Федерацияси).

Етакчи ташкилот: **академик И.П.Павлов номидаги биринчи Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети** (Россия Федерацияси)

Диссертация химояси Самарқанд Давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражаларлар берувчи DSc.06/2025.27.12.Tib.17.03 рақамли Илмий Кенгашнинг 2026 йил “_____” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Анкабай кўчаси, 6-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75; e-mail: sammu@sammu.uz

Диссертация билан Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№. _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75;

Диссертация автореферати 2026 йил «_____» _____ да тарқатилди.

(2026 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Н.Н. Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.В. Шмырина

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент

З.Б. Курбаниязов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотация)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда ўт-тош касаллиги (ЎТК) жарроҳлик даволаш усули талаб қилинадиган энг кенг тарқалган касалликлардан бири бўлиб қолмоқда. Бу патология бутун дунё соғлиқни сақлаш тизимлари учун жиддий молиявий харажатларга айланган ҳисобланади. Шу боис, ўт-тош касаллигини эрта аниқлаш ва тўғри даволаш нафақат тиббий, балки иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга. Турли муаллифлар ва ташкилотлар маълумотларига кўра, ўт-тош касаллиги катта ёшдаги аҳолининг 30% гача қисмида учрайди. Холедохолитиаз билан асоратланган холециститиаз 9-33% ҳолларда кузатилади ва механик сариқлик, холангит, ўткир панкреатит, жигар билиар сиррози каби оғир асоратларнинг ривожланишига сабаб бўлиши мумкин. «...Сўнгги 20 йил ичида ўт-тош касаллигининг асоратланган шакллари даволашда каминвазив усуллар кенг қўлланила бошланди...»¹. Ультратовуш, рентгенологик ва эндоскопик назорат остидаги операцияларни уйғунлаштириш туфайли холедохолитиазда каминвазив операциялар имкониятлари кенгайди.

Дунё миқёсида холедохолитиаз билан асоратланган ЎТКни даволашнинг "олтин стандарти" эндоскопик ретроград холангиопанкреатография, папиллосфинктеротомия ва литоэкстракция (ЭРХГПЛ) ҳамда лапароскопик холецистэктомия (ЛХЕ) ҳисобланади. Бундай жарроҳлик тактикаси икки босқичли ёки бир босқичли комбинацияланган тартибда амалга оширилиши мумкин. "Комбинацияланган операция" - бу битта касалликнинг турли кўринишлари бўйича бир вақтнинг ўзида иккита ёки бир нечта мустақил операцияларни бажаришдир. Сўнгги 10 йилда бир босқичли ёндашув кенг тарқалишга улгурди, аммо кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар ҳали аниқ шакллантирилмаган. Лекин, жарроҳлик жамоалари кўпинча ўз тажрибалари ва клиниканинг мавжуд анъаналарига, техник жиҳозланишига асосланиб, беморнинг коморбид ҳолати ва асосий касалликнинг оғирлигини ҳисобга олмаган ҳолда бир босқичли ёндашувни танлашмоқда. «...Бемор аҳолининг оғирлигини баҳолаш учун кўплаб шкалалар ва мезонлар мавжуд, бироқ улар алоҳида қўлланилади...»².

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига кўрсатилаётган жарроҳлик ёрдами сифатини тубдан яхшилаш ва кўламини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича кенг кўламли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан, 2022-2026 йилларда мамлакат ривожланиши стратегиясида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш ва 2022-2026 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш дастурини тадбиқ этишга

¹ Vaccari, S. et al. (2022). Destiny for Rendezvous: Is Cholecysto/Choledocholithiasis Better Treated with Dual- or Single-Step Procedures? Digestive diseases and sciences, 67(4), 1116–1127.

² Pavlidis, E. T., & Pavlidis, T. E. (2023). Current management of concomitant cholelithiasis and common bile duct stones. World journal of gastrointestinal surgery, 15(2), 169–176.

қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш...»³. каби вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон “Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон “Фуқаролар саломатлигини таъминлашда доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўт-тош касаллиги муаммоси этиологияси, патогенези ва диагностик ёндашувлар жиҳатидан юқори даражада ўрганилган. Бироқ, ушбу касалликка чалинган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш бўйича тадқиқотлар давом этмоқда. Бунга Шимолий Америка, Жануби-Шарқий Осиё, Европа ва МДХ мамлакатларида ҳар йили эълон қилинаётган кўплаб илмий нашрлар гувоҳлик беради (Vaccari S. et al. 2022; Мамисашвили З.С. 2022; Курбаниязов З.Б. 2020; Vakayil V. 2020; Xin Wang 2024; Zuercher P. 2019).

Кам инвазив жарроҳликнинг узлуксиз ривожланиши ва клиник ёндашувларни оптималлаштиришда жарроҳлик даволашнинг ягона алгоритминини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш ниҳоятда муҳимдир. Операция босқичларининг оптимал кетма-кетлигини аниқлаш учун илмий асосланган воситаларнинг йўқлиги жиддий муаммо ҳисобланади ва ҳозирда уларни яратиш устида иш олиб борилмоқда. Амалий жарроҳликдаги асосий бўшлиқ жарроҳлик аралашуви босқичларини танлашда беморнинг индивидуал хусусиятларини (ёши, умумий соғлиғи ҳолати, ўт-тош касаллиги асоратларининг мавжудлиги) инобатга олувчи умуметироф этилган алгоритмнинг йўқлигидир.

Операциядан кейинги асоратларни камайтириш, касалхонада даволаниш муддатини қисқартириш, меҳнат қобилиятини тезроқ тиклаш ва беморларнинг умумий қониқишини оширишни ўз ичига олган жарроҳлик даволашнинг замонавий талаблари жарроҳлик ёндашувлари ва стратегияларини доимий равишда такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети наъмунавий дастурнинг «Шикастланишлар, жарроҳлик

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

касалликлари ва ўсмаларнинг олдини олиш, диагностика қилиш ва даволаш бўйича замонавий технологияларни яратиш ва жорий этиш» (Давлат рўйхати №012400287) бўйича режалаштирилган тадқиқот ишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади холедохолитиаз билан асоратланган ўт-тош касаллиги бўлган беморларни даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

холедохолитиаз билан асоратланган ўт-тош касаллиги бўлган беморларни бир босқичли ва икки босқичли жарроҳлик усули билан даволаш натижаларини ретроспектив таҳлил қилиш;

комплекс жарроҳлик даволашда операциядан кейинги даврнинг асоратли кечиши эҳтимолини кўрсатувчи омилларни аниқлаш;

аниқланган омиллар асосида холедохолитиаз билан асоратланган ўт-тош касаллигини жарроҳлик йўли билан даволаш босқичларини танлаш учун прогноз қилувчи модел ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган мезонлар тизимини қўллаган ҳолда холедохолитиаз билан асоратланган ўт-тош касаллиги бор беморларни бир босқичли жарроҳлик усули билан даволаш натижаларини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти 2013-йил сентябрдан 2024-йил октябргача Россия Фавқулодда вазиятлар вазирлиги А.М. Никифоров номидаги БШРТМ 2-клиникасида жарроҳлик йўли билан даволанган 136 нафар сурункали холедохолитиаз билан оғриган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети холецистохоледохолитиаз билан оғриган беморларни текшириш ва жарроҳлик даволаш натижаларини таҳлил қилишдан иборат бўлиб, бунда комбинацияланган жарроҳлик даволаш босқичларини танлашга дифференциал ёндашув қўлланилган.

Тадқиқотнинг усуллари.Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилди: умумий клиник, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ўт-тош касаллиги холедохолитиаз билан асоратланган беморларда комбинацияланган бир босқичли, икки босқичли лапароэндоскопик даволаш (ЛХЕ+ЭРХГПЛ ва ЛХЕ+т+ЭРХГПЛ) натижаларининг ретроспектив таҳлили операция вақти, беморнинг умумий аҳволи ва асосий касалликнинг асоратлари кечиши предикторлари аниқланган;

илк бор холецистохоледохолитиаз билан асоратланган беморларда (ЛХЕ+ЭРХГПЛ) даволашда операциядан кейинги даврнинг асоратли кечишини башорат қилувчи омиллар (Charlson коморбидлик индекси, Э.И.Галперин механик сариқлик оғирлик шкаласи) ва тизимли яллиғланишга жавоб реакцияси синдроми (SIRS) сифатида асосли факторлар аниқланган;

аниқланган предикторлар асосида, ўт-тош касаллиги холедохолитиаз билан асоратланган беморларда хирургик даволаш босқичлигини танлаш учун ягона прогностик шкала ишлаб чиқилган;

ягона прогностик шкаланинг самарадорлиги жарроҳлик (Clavien-Dindo бўйича) ва умумий соматик асоратларнинг (ўпка артерияси тромбоемболияси ва миокард инфаркти) камайиши, шунингдек, даволаш харажатларининг қисқариши билан исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

комбинацияланган лапароэндоскопик усулни кенг қўллаш беморларнинг даволанишдан қониқишини оширди, чунки икки марта наркоз ва қайта касалхонага ётиш зарурати йўқолди;

ишлаб чиқилган прогностик шкала асосида жарроҳлик даволаш босқичларини танлаш туфайли бир босқичли даволаш гуруҳида умумий соматик асоратлар камайди. Clavien-Dindo шкаласидан фойдаланишга кўра операциядан кейинги асоратларни таққослаганда, асоратланмаган беморларнинг улуши 12,9% дан 46,7% гача кўтарилди ($p = 0,040$);

бир босқичли даволашни кўпроқ қўллаш натижасида беморларнинг касалхонада ётиши 12 дан 8 гача қисқарди ($p < 0,001^*$);

прогностик шкалани қўллаш беморларни бир босқичли даволашга хавфсиз ажратиш имконини берди, бу эса даволаш харажатларининг камайишига олиб келди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий-тадқиқот ишида фойдаланилган замонавий, бир-бирини тўлдирувчи ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг халқаро ҳамда маҳаллий муаллифлар маълумотлари билан таққосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот назарий хулосалар ва тавсиялари илмий қимматга эга бўлиб, улар ўт-тош касаллиги холедохолитиаз билан асоратланган беморларда комбинацияланган бир босқичли, икки босқичли лапароэндоскопик даволаш (ЛХЕ+ЭРХГПЛ ва ЛХЕ+т+ЭРХГПЛ) натижаларининг ретроспектив таҳлили операция вақти, беморнинг умумий аҳволи ва асосий касалликнинг асоратлари кечиши предикторлари аниқланган. Холецистохоледохолитиазни бир босқичли лапароэндоскопик (ЛХЕ+ЭРХГПЛ) даволашда операциядан кейинги даврнинг асоратли кечишини башорат қилувчи омиллар (Charlson коморбидлик индекси, Э.И.Галперин механик сариклик оғирлик шкаласи) ва тизимли яллиғланишга жавоб реакцияси синдроми (SIRS) сифатида асосли факторлар аниқланган. Аниқланган предикторлар асосида, ўт-тош касаллиги холедохолитиаз билан асоратланган беморларда хирургик даволаш босқичлигини танлаш учун ягона прогностик шкала ишлаб чиқилган. Ягона прогностик шкаланинг самарадорлиги жарроҳлик (Clavien-Dindo бўйича) ва умумий соматик асоратларнинг (ўпка артерияси тромбоемболияси (ЎАТЭ) ва миокард инфаркти (МИ) частотаси) камайиши, шунингдек, даволаш харажатларининг қисқариши билан исботланган.

Ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот натижаларига кўра, комбинацияланган лапароэндоскопик усулни кенг қўллаш беморларнинг даволанишдан қониқишини оширди, чунки икки марта наркоз ва қайта касалхонага ётиш зарурати йўқолди. Ишлаб чиқилган прогностик шкала асосида жарроҳлик даволаш босқичларини танлаш туфайли бир босқичли даволаш гуруҳида умумий соматик асоратлар камайди. clavien-dindo шкаласидан фойдаланишга кўра операциядан кейинги асоратларни таққослаганда, асоратланмаган беморларнинг улуши 12,9% дан 46,7% гача кўтарилди ($p = 0,040$). Бир босқичли даволашни купроқ қўллаш натижасида беморларнинг касалхонада ётиши 12 дан 8 гача қисқарди ($p < 0,001^*$). Прогностик шкалани қўллаш беморларни бир босқичли даволашга хавфсиз ажратиш имконини берди, бу эса даволаш харажатларининг камайишига олиб келди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўт тош касаллиги холедохолитиаз билан асоратланган беморларда комбинацияланган жарроҳлик даволаш усулига дифференциал ёндашув бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида (Ўзбекистон Республикаси ССВ ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 07.07.2025 й. 21/71-сон хулосаси):

биринчи илмий янгилик: илк бор ўт-тош касаллиги холедохолитиаз билан асоратланган беморларда комбинацияланган бир босқичли, икки босқичли лапароэндоскопик даволаш (ЛХЕ+ЭРХГПЛ ва ЛХЕ+т+ЭРХГПЛ) натижаларининг ретроспектив таҳлили операция вақти, беморнинг умумий аҳволи ва асосий касалликнинг асоратлари кечиши предикторлари аниқланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ Самарқанд бекати бирлашган касалхонаси (30.05.2025 й. 27-сон буйруғи) ва Россия Федерацияси Ленинград вилояти «Кириш КМБ» клиникаси (12.10.2024 й. 237-сон буйруқ) билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: комбинацияланган лапароэндоскопик усулни кенг қўллаш беморларнинг даволанишдан қониқишини оширди, чунки икки марта наркоз ва қайта касалхонага ётиш зарурати йўқолди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: ўт-тош касаллиги холедохолитиаз билан асоратланган беморларда комбинацияланган жарроҳлик даволашда беморларнинг стационар шароитда даволаш одатда умумий ўртача 5-7 кун учун бюджет маблағларидан 3256400 сўм. Беморларнинг барча лаборатор-инструментал текширишларига жами 1175650 сўм сарфланади. Хулоса: холедохолитиаз билан асоратланган ўт-тош касаллигига чалинган беморларни лапароэндоскопик даволаш натижаларининг ретроспектив таҳлили шуни кўрсатдики, бир босқичли лапароэндоскопик даволашда операциядан кейинги эрта ва кечки асоратларнинг частотаси икки босқичли усулга нисбатан таққосланарли экан. Бир босқичли даволашнинг статистик жиҳатдан аҳамиятли афзалликлари қуйидагилардан иборат: касалхонада ётиш кунларининг 12 дан 8 гача қисқариши ($< 0,001$), иқтисодий

самарадорлик ($p < 0,001$) ва беморларнинг даволанишдан қониқиш даражасининг ошиши ($p = 0,030$).

иккинчи илмий янгилик: илк бор холецистохоледохолитиазни бир босқичли лапароскопик (ЛХЕ+ЭРХГПЛ) даволашда операциядан кейинги даврнинг асоратли кечишини башорат қилувчи омиллар (Charlson коморбидлик индекси, Э.И.Галперин механик сариқлик оғирлик шкаласи) ва тизимли яллиғланишга жавоб реакцияси синдроми (SIRS) сифатида асосли факторлар аниқланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ Самарқанд бекати бирлашган касалхонаси (30.05.2025 й. 27-сон буйруғи) ва Россия Федерацияси Ленинград вилояти «Кириш КМБ» клиникаси (12.10.2024 й. 237-сон буйруқ) билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: ишлаб чиқилган прогностик шкала асосида жарроҳлик даволаш босқичларини танлаш туфайли бир босқичли даволаш гуруҳида умумий соматик асоратлар камайди. Clavien-Dindo шкаласидан фойдаланишга кўра операциядан кейинги асоратларни таққослаганда, асоратланмаган беморларнинг улуши 12,9% дан 46,7% гача кўтарилди ($p = 0,040$). Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: ўт-тош касаллиги холедохолитиаз билан асоратланган беморларда, комбинацияланган хирургик даволаш босқиччилигини танлаш учун ягона прогностик шкала алгоритми самарадорлиги остида ижобий натижалар 1,5 баробар кўп ҳолатда кузатилганлигини ҳисобга олсак, йиллик иқтисодий кўрсаткич 14564800 сўмни ташкил этади. Хулоса: холедохолитиаз билан асоратланган ўт-тош касаллигига чалинган беморлар учун жарроҳлик даволашнинг босқиччилигини танлашда Чарлсон, Галперин ва SIRS шкалаларидан бир босқичли операция хавфсизлигини баҳолаш мақсадида мунтазам фойдаланиш керак. Комбинацияланган операциянинг ягона хавфсизлик шкаласидан фойдаланиш операциядан кейинги асоратлари частотасини камайтиради.

учинчи илмий янгилик: аниқланган предикторлар асосида, ўт-тош касаллиги холедохолитиаз билан асоратланган беморларда хирургик даволаш босқиччилигини танлаш учун ягона прогностик шкала ишлаб чиқилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ Самарқанд бекати бирлашган касалхонаси (30.05.2025 й. 27-сон буйруғи) ва Россия Федерацияси Ленинград вилояти «Кириш КМБ» клиникаси (12.10.2024 й. 237-сон буйруқ) билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: бир босқичли даволашни купроқ қўллаш натижасида беморларнинг касалхонада ётиши 12 дан 8 гача қисқарди ($p < 0,001$). Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: ягона прогностик шкаланинг юқори самарадорлиги операциядан кейинги асоратлар камайиши, беморларнинг касалхонада ётиш муддатининг қисқариши асосида операциясидан кейинги даврда асоратлар тубдан қисқаришини инобатга олсак, асосий гуруҳдаги беморларда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар 25% қисқартиришликка эришилди. Хулоса: ишлаб чиқилган прогностик шкала

асосида жарроҳлик даволаш босқичларини, танлаш бир босқичли даволаш гуруҳида умумий соматик асоратлар частотасини камайтиришга имкон беради. Ўпка артерияси тромбоемболияси ва миокард инфаркти частотаси 19,4% дан 0% гача статистик жиҳатдан сезиларли даражада пасаяди (мос равишда $p=0,024$, $p=0,024$).

тўртинчи илмий янгилик: ягона прогностик шкаланинг самарадорлиги жарроҳлик (Clavien-Dindo бўйича) ва умумий соматик асоратларнинг (ўпка артерияси тромбоемболияси ва миокард инфаркти) камайиши, шунингдек, даволаш харажатларининг қисқариши билан исботланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ Самарқанд бекати бирлашган касалхонаси (30.05.2025 й. 27-сон буйруғи) ва Россия Федерацияси Ленинград вилояти «Кириш КМБ» клиникаси (12.10.2024 й. 237-сон буйруқ) билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: прогностик шкалани қўллаш беморларни бир босқичли даволашга хавфсиз ажратиш имконини берди, бу эса даволаш харажатларининг камайишига олиб келди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: ўт-тош касаллиги холедохолитиаз билан асоратланган беморларда лапароэндоскопик даволашнинг босқичлигини танлаш концепцияси қўлланиладиган дифференциаллаштирилган жарроҳлик тактикасини қўллаш, реабилитация муддатларининг қисқариши туфайли беморларни стационар шароитда даволаш одатда умумий ўртача 24565400 сўм сарфланади. Йиллик иқтисодий кўрсаткич эса ўз навбатида 25% гача бюджет маблағларини тежашга олиб келади. Хулоса: ўт тош касаллигининг асоратланган шакли билан оғриган беморларни ягона шкала орқали синчковлик билан танлаган ҳолда, битта анестезиологик қўлланма доирасида ЛХЕ билан эРХГПЛни ўз ичига олган комбинацияланган аралашувни амалга ошириш хавфсиз жарроҳлик усули булиши мумкин. Прогностик шкалани қўллаш беморларни бир босқичли даволашга хавфсиз ажратиш имконини беради, бу эса даволаш харажатларини 212400 ш.б.дан 132000 ш.б.гача (37,8%) камайтиришга олиб келади ($p < 0,001$).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий конференцияларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та Республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 таси маҳаллий ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, амалий тавсиялардан ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 106 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблилиги, тадқиқот мақсади ва вазифаларига асосланган бўлиб, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган натижалари илмий ва амалий ахамияти очиқ берилган, чоп этилган ишлар ва диссертация таркиби бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг "**Адабиётлар шарҳи**" деб номланган **биринчи бобида** адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, унда ўт-тош касаллиги ва унинг асоратлари бўйича адабиётларнинг танқидий таҳлили келтирилган. Ушбу касалликни ўрганишнинг долзарблиги асослаб берилган ҳамда замонавий таҳис ва даволаш усуллари кўриб чиқилган. ХХЛни даволашнинг мавжуд каминвазив усуллари афзалликлари ва камчиликларини қиёсий таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, комбинацияланган жарроҳлик аралашувларининг эҳтимолий асоратлари кўриб чиқилган ва комбинацияланган жарроҳлик даволаш режалаштирилган беморларнинг ҳолатини баҳолаш учун қўлланиладиган прогностик шкалалар ва кўрсаткичлар батафсил ўрганилган.

Диссертациянинг **иккинчи боби "Тадқиқот материаллари ва усуллари"** деб номланади. Тадқиқот Россия ФВВ А.М. Никифоров номидаги БШРТМнинг 2-клиникасида 2013-йил сентябрдан 2024-йил октябргача бўлган даврда ЎТК ва унинг асоратлари билан оғриган 136 нафар беморни текшириш ва жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини таҳлил қилишга асосланган. Ушбу беморлар бир босқичли (ЛХЕ+ЭРХГПЛ) ва икки босқичли (ЭРХГПЛ+т(вакт)+ЛХЕ) лапароскопик даволаш усуллари олганлар.

Клиник тадқиқотнинг биринчи босқичида беморлар операциянинг босқичлигига кўра 2 та гуруҳга бўлинди ва операциядан асоратларнинг операциядан олдинги маълумотларга боғлиқлиги ўрганилди. Асосий гуруҳга бир босқичли усул қўлланилган 61 нафар бемор киритилди, назорат гуруҳини эса икки босқичли даволаш усули билан даволанган 75 нафар бемор ташкил этди. Умумий соматик ва бевосита жарроҳлик асоратларини ўз ичига олган операциядан кейинги асоратлар текширилди. Бундан ташқари, операциялар давомийлиги, тана вазни индекси ва касалхонада ётиш кунлари ҳисобга олинган ҳолда беморлар таққосланди. Операциянинг иқтисодий самарадорлиги барча харажатлар ва такрорий касалхонага ётқизишларни ҳисобга олган ҳолда алоҳида ўрганилди. Даволаш натижаларидан қониқиш даражаси 10 баллик шкалада субъектив баҳолаш орқали аниқланди. Барча операциядан кейинги асоратлар Clavien-Dindo (CD) бўйича таснифланди.

Иккинчи босқичида Clavien-Dindo таснифи бўйича барча касаллар асоратланган ва асоратланмаган гуруҳларга ажратилди. Асоратланмаган кечил гуруҳига операциядан кейинги даври силлиқ ўтган беморлар ва CD таснифи бўйича 1 класс асоратлари бўлган беморлар киритилди. Сўнгра,

операциядан кейинги даврнинг асоратли кечиши белгилари ретроспектив тарзда аниқланди.


Ушбу предикторлар асосида логистик регрессиядан фойдаланиб, ХХЛни лапароскопик даволаш ўтказилган беморларда операциядан кейинги даврнинг асоратланмаган кечишининг прогностик модели ишлаб чиқилди. Хамда янги интраоперацион холангиография усули ишлаб чиқилди (1-расм).

Учинчи босқичда ишлаб чиқилган шкаланинг самарадорлигини қиёсий таҳлили ўтказилган. Ушбу босқичда асосий гуруҳни яратилган прогностик шкаладан фойдаланган ҳолда бир босқичли даволанган 30 нафар бемор, назорат гуруҳини эса прогностик шкаладан фойдаланмасдан бир босқичли даволанган 31 нафар бемор ташкил этдилар. Ретроспектив равишда бир босқичли тактикани хавфсиз бажариш мумкин бўлган икки босқичли даволанган беморлар аниқланди. Тадқиқот дизайни 1-жадвалда келтирилган. Статистик таҳлил StatTech в. 4.8.0 дастури ёрдамида ўтказилди (ишлаб чиқувчи - "StatTech" МЧЖ, Россия).

1-жадвал.

Тадқиқот лойиҳаси


Бир босқичли ЛХЕ+ЭРХГПЛ (асосий гуруҳ) n = 61	І босқич Икки усулни таққослаш	Икки босқичли ЭРХГПЛ+т+ЛХЕ (назорат гуруҳи) n = 75	
Периоперацион асоратларни таққослаш	Clavien-Dindo бўйича асоратларни таснифлаш	Гуруҳларни шакллантириш, асоратланмаган кечишнинг боғлиқ омилларини аниқлаш	
II босқич			
Операциядан кейинги даврнинг асоратли кечиши предикторларини аниқлаш	Операциядан кейинги даврнинг асоратланмаган кечишининг башорат моделини ишлаб чиқиш		
III босқич			
Ишлаб чиқилган шкаланинг самарадорлигини таҳлил қилиш			
Ишлаб чиқилган шкаладан фойдаланишдан олдин (2019- йилгача) ва кейин (2019-йилдан кейин) бир босқичли даволанган беморларнинг даволаниш натижаларини таққослаш	Икки босқичли гуруҳдаги беморлардан бир босқичли операция ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлганларини аниқлаш учун ишлаб чиқилган шкалани қўллаш		
n = 31 (назорат гуруҳи)	n = 30 (асосий гуруҳ)	n = 46 (2019- йилгача)	n = 29 (2019-йилдан кейин)



1-расм. Ишлаб чиқилган усулга кўра интраоперацион холангиография ўтказиш босқичи.

Диссертациянинг учинчи боби "Тадқиқот натижалари" деб номланган. Операциядан кейинги асоратлар ва даволаш натижаларини босқичларга қараб қиёсий таҳлил қилиш.


CD шкаласи бўйича таснифланган операциядан кейинги асоратларни таҳлил қилганда, операция босқичларига қараб, статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар аниқланмади ($p = 0,084$). Ушбу факт бир босқичли операциялар хавфсизлигининг исботи бўлиб хизмат қилиши мумкин (2-расм). Бир босқичли операция шошилиш ҳолатларда ҳам қўлланилиши мумкин ва асоратларнинг оғирлигига таъсир кўрсатмайди.



2-расм - Clavien-Dindo бўйича операциядан кейинги асоратлар таҳлили

Шунингдек, жарроҳлик даволаш босқичларига қараб касалхонада ётиш муддати (ўрин-кунларда) таҳлил қилинди, 3-расмда келтирилган натижалар кўриб чиқилаётган босқичлар ўртасида ётоқ кунлари сонидан статистик жиҳатдан сезиларли фарқ борлигини кўрсатади ($p < 0,001$; Манн-Уитни U-

мезони). Бир босқичли операцияларни қўллаш, эҳтимолий асоратларни ва касалхонада бўлишнинг умумий вақтини ҳисобга олган ҳолда, ётоқ кунларини 33,3% га қисқартиришга имкон берди.



3-расм - Даволаш босқичларига қараб ётоқ кунлари сонининг таҳлили

Даволашдан қониқишни унинг босқичларига қараб баҳолаганимизда, статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқларни аниқладик ($p = 0,030$; Манн-Уитни U-мезони) (2-жадвал).


2-жадвал.

Даволашдан қониқиш даражасининг унинг босқичларига қараб таҳлили

Кўрсаткич	Туркумлар	Даволанишдан қониқиш (балл)			П
		Me	Q ₁ – Q ₃	н	
Босқичлилиқ	1-босқичли даволаш	10,00	9,00–10,00	61	0,030*
	2-босқичли даволаш	9,00	8,00–10,00	75	

*кўрсаткичлар фарқи статистик аҳамиятга эга ($p < 0,05$)

XXЛни жарроҳлик даволанишнинг бутун жараёни қийматини таҳлил қилишда 2017-йилдаги текширув ва даволаш нархлари ҳисоб-китобларда қулайлик учун шартли бирликларда ҳисобга олдик, бир шартли бирлик бир Россия рублига тенг деб ҳисобладик. Касалхона маъмурияти томонидан тақдим этилган даволаш харажатлари бўйича 2017-йиллик маълумотлар уртача нарх сифатида қабул қилинган. Бу инфляцияни ҳисобга олмаган ҳолда қийматни ҳисоблаш учун қўлланилди. Харажатларни ҳисоблашда беморнинг операциядан сўнгги хона ва палатада ўтказган вақти, тиббиёт ходимларининг талаб этиладиган малака даражаси, операция хонаси ва реанимация бўлимида ишлатиладиган барча дори-дармонлар ва тиббий буюмлар учун харажатлар инобатга олинди. Даволашнинг умумий қийматини босқичларга кўра таҳлил қилиш Манн-Уитни U-мезонига асосан статистик жиҳатдан сезиларли фарқларни ($p < 0,001$) аниқлади (4-расм).



4-расм - Даволашнинг умумий қийматини босқичларга кўра таҳлил қилиши

Беморлар операциядан кейинги асоратланган ва асоратланмаган даврга кўра гуруҳларга ажратилгандан сўнг, асоратлар предикторларини аниқлаш учун таҳлил ўтказилди. Статистик таҳлил (Манн-Уитни U-мезони ва Пирсон Хи-квадрати) ёш, жинс, ўткир холецистит давомийлиги ва асоратлар хавфи ўртасидаги боғлиқликни аниқламади. Бироқ, Галперин механик сариқлик оғирлик шкаласи, Чарлсон индекси ва SIRS мавжудлиги асоратли кечиш билан статистик жиҳатдан сезиларли даражада корреляция борлиги аниқланди. Хусусан, SIRSнинг мавжудлиги асоратлар ривожланиш эҳтимолини 9,2 бараварга оширди (3-4 жадвал, 5-расм).

3-жадвал

Асоратларнинг бор-йўқлигига қараб Галперин шкаласи таҳлили

Кўрсаткич	Тоифалар	Галперин шкаласи			p
		Me	Q ₁ – Q ₃	n	
Асоратларнинг бор-йўқлиги	асоратланмаган кечиш	2,00	2,00–3,00	98	< 0,001*
	асоратланган кечиш	3,00	2,00–12,00	38	


*кўрсаткичлар фарқи статистик жиҳатдан аҳамиятли ($p < 0,05$)

4-жадвал

Асоратларнинг бор-йўқлигига қараб Чарлсон индекси таҳлили

Кўрсаткич	Тоифалар	Чарлсон индекси (баллар)			p
		Me	Q ₁ – Q ₃	n	
Асоратларнинг бор-йўқлиги	асоратланмаган кечиш	3,0	1,0–5,0	98	< 0,001*
	асоратланган кечиш	6,0	4,0–8,0	38	

*кўрсаткичлар фарқи статистик жиҳатдан аҳамиятли ($p < 0,05$)



5-расм - Асоратларнинг бор-йўқлигига қараб SIRS таҳлили

Операциядан кейинги асоратлар хавфини башорат қилиш учун аниқланган предикторларни ҳисобга олган ҳолда прогностик модел ишлаб чиқилди. Модел бинар логистик регрессия усули ёрдамида тузилган бўлиб, Чарлсон индекси, SIRS ва Галперин шкаласи каби омилларни ўз ичига олади (5-жадвал). Кузатилаётган боғлиқлик куйидаги тенглама билан ифодаланади:

$$P = 1 / (1 + e^{-z}) \times 100\%$$

$$z = -3,976 + 0,355X_{\text{Чарлсон индекси}} + 1,979X_{\text{SIRS мавжуд}} + 0,159X_{\text{Галперин шкаласи}}$$

П - асоратли кечиш эҳтимолини баҳолаш, z - логистик функция қиймати, $X_{\text{Чарлсон индекси}}$ - Чарлсон индекси (балларда), $X_{\text{SIRS мавжуд}}$ - SIRS (0 - SIRS йўқ, 1 - SIRS мавжуд), $X_{\text{Галперин шкаласи}}$ - (Галперин шкаласи баллда)


Чарлсон индекси 1 баллга ошганда, операциядан кейинги даврнинг асоратли кечиш эҳтимоли 1,426 баравар кўпаяди. Галперин шкаласи бўйича кўрсаткичлар 1 баллга ошганда, операциядан кейинги даврнинг асоратли кечиш эҳтимоли 1,172 мартага ошди. Эҳтимоллиқни баҳолаш п асоратларнинг мавжудлиги/йўқлигининг статистик жиҳатдан муҳим предиктори ҳисобланади (6-расм).

5-жадвал

Модел предикторларининг асоратларни аниқлаш имкониятлари билан боғлиқлиги

Предикторлар	Мослаштирилмаган		Мослаштрилган	
	COR; 95% DI	п	AOR; 95% DI	п
Чарлсон индекси	1,530; 1,278-1,833	< 0,001*	1,426; 1,168-1,740	< 0,001*
SIRS мавжуд	10,110; 4,170-24,508	< 0,001*	7,238; 2,540-20,615	< 0,001*
Галперин шкаласи	1,229; 1,115-1,354	< 0,001*	1,172; 1,045-1,315	0,007*


*предикторнинг таъсири статистик жиҳатдан аҳамиятли ($p < 0,05$)



6-расм. Асоратлар мавжудлиги/йўқлигининг ўрганилаётган предикторлари учун 95% ишонч ораллиги билан имкониятлар нисбатини баҳолаш

Регрессия моделининг дискриминацион қобилиятини ROC-таҳлил ёрдамида баҳолашда қуйидаги эгри чизик олинди (7-расм).


Юден индексининг энг юқори қийматига мос келадиган кесиш нуқтасида π эҳтимолини баҳолашнинг чегаравий қиймати 0,463ни ташкил этди, π қиймати ушбу курсаткидан юқори ёки унга тенг бўлганда асоратли кечиш эҳтимоли катта булиши аниқланди. Олинган прогностик моделнинг сезгирлиги ва хослиги мос равишда 72,2 ва 90,4%ни ташкил этди (8-расм).



7-расм. Асоратларнинг мавжудлиги/йўқлигини башорат қилишда регрессия моделининг дискриминацион қобилиятини тавсифловчи ROC эгри чизиги

Тадқиқотнинг мақсади беморларнинг ёндош касалликларини ҳисобга олган ҳолда бир босқичли даволашни режалаштириш учун ишлаб чиқилган шкаланинг асоратлар частотасига таъсирини баҳолашдан иборат эди. Биз шкала ёрдамида бир босқичли жарроҳлик юли билан операция қилинган беморлар гуруҳини операция босқичини танлашда шкала қўлланган ва қўлламаган гуруҳларни таққосладик. Интраоперацион хирургик асоратларни таҳлил қилганда, гуруҳлар ўртасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқларни

аниқламадик. Бироқ, шкала қўлланилган гуруҳда операциядан кейинги даврда соматик касалликлар билан боғлиқ асоратлар частотасининг статистик жиҳатдан сезиларли даражада пасайиши кузатилди. Шунини таъкидлаш керакки, бир босқичли даволаш гуруҳида ўпка артерияси тромбоемболиясининг бирорта ҳам ҳолати қайд этилмаган, 2019-йилгача операция қилинган гуруҳда эса 6 та ҳолат кузатилган ($p=0,024$). Худди шундай пасайиш тенденцияси 2019-йилдан кейин бир босқичли даволанган беморларда операциядан кейинги даврда миокард инфаркти частотасига нисбатан ҳам кузатилди ($p=0,024$) (6 жадвал). Қолган ўрганилган касалликлар бўйича гуруҳлар ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар топилмади.



8-расм. Асоратлар эҳтимолини баҳолашнинг чегаравий қийматларига қараб моделнинг сезгирлиги ва хослигини таҳлили


6-жадвал

Бир босқичли даволашга боғлиқ ҳолда ёндош касалликлар бўйича асоратлар таҳлили

Тоифалар	Бир босқичли даволаш (ББД)		p
	ББД шкала билан	ББД шкаласиз	
Ўпка артерияси эмболияси	6 (19,4)	0 (0,0)	0,024*
Миокард инфаркти	6 (19,4)	0 (0,0)	0,024*
Пневмония	3 (9,7)	0 (0,0)	0,238
Ўтқир мия қон айланишининг бузилиши	3 (9,7)	0 (0,0)	0,238
